

11-02/123-son

27 noyabr 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг “Ҳоким соати” йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 25 ноябрь

Кармана тумани

Раислик қилувчи: **Н.Турсунов - вилоят ҳокими**

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.да назоратдаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар ижроси*);

2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги тизим бўйича ишларни ташкил қилиш, маҳаллалар ихтисослигини кенгайтириш, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш ҳамда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Хатирчи, Нурота туманлари ҳокимлари ва масъулларнинг ҳисоботи тўғрисида;

3. Қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини жамғариш (закладка) ишларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида;

4. Ёшлар масалалари бўйича Республика комиссиясининг (Қ.Куранбаев бошчилигида) ўрганиш натижалари юзасидан белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида;

5. Ичимлик суви ва “Иссиқлик манбаи” ДУК томонидан кўрсатилган коммунал хизматлардан ҳосил бўлган қарздорликларни ундириш ҳамда автомойкалар, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш муассасалари аҳволини яхшилаш бўйича берилган топшириқларнинг ижроси тўғрисида;

6. Бошқа масалалар (Яшил макон, Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш, МПР, обуна).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, М.Мамадиярова, С.Ҳамроев, И.Қодиров, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Қ.Ражабов, А.Ниёзов, О.Зарипов, Ғ.Алиев, А.Турдиев, Д.Очилов, Д.Эргашев, Н.Рахманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Файзиев, У.Адилов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарлари жорий йилнинг 1 декабрига қадар “edo.ijro.uz” тизими орқали ижроси назоратга олинган Президент ҳужжатларидаги, Администрация раҳбарининг ва Ҳукуматнинг ноябрь ойидаги топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, электрон тизимдан назоратдан чиқарилишини таъминлаш бўйича қатъий кўрсатмалар берилиб, топшириқ ижросини таъминламаган масъулларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиши бўйича қаттиқ огоҳлантирилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров)га вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (Азимов) билан биргаликда жорий йилнинг 30 ноябрига қадар 45-сонли баённинг 8-банди бўйича Қизилтепа туманида қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган “порфирит” тошини қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги 100 гектар ер майдонини аукционга чиқариш учун “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш мақсадида вилоят ҳокими қарори лойиҳасини тайёрлаб киритиш топшириғи берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов)га Кармана тумани ҳокими (Болтаев) билан биргаликда жорий йилнинг 30 ноябрига қадар 45-сонли баённинг 5-банди бўйича Кармана туманида “Тианченг Стоун” МЧЖ томонидан Зарафшон дарёси бўйидаги 100 гектар ер майдонида умумий қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган балиқчилик комплексини ташкил этиш учун, ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан Ҳукумат комиссиясига таклиф киритиш мақсадида ер майдонларини захирага қайтариш ҳамда ижарага бериш чораларини кўриши алоҳида қайт этиб ўтилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев)га Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Қаюмов), Навбаҳор тумани ҳокими (Рашидов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ-60-сонли қарори 4-илоvasи 6-банди бўйича Навбаҳор

туманида “Конимех” канали бўйидаги 1,3 гектар ер майдонида ёшлар томонидан хизмат кўрсатиш, кўнгилочар ва дам олиш масканларини ташкил этиш мақсадида аукцион савдоларига чиқарилишини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов)га Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) билан биргаликда беш кун муддатда Ушбу топшириқлар ижроси таъминланмаса тегишли масъулларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиши таъкидланди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг 2025 йил 11 ноябрдаги аппарат йиғилиши баёни (12.11.2025 й, 11-01/120-сон) топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳар (Эргашев) ва Хатирчи тумани (Адизов) ҳокимларига беш кун муддатда Давлат Раҳбарининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатларни қайта кўриб чиқиб, уларни ижобий ҳал этиш даражасини ошириш чораларини кўриш;

вилоят Солиқ бошқармаси (Назаров) Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари билан биргаликда ПК-20-сонли қарор асосида ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишларини жонлантириб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида ҳисобот бериши;

жорий йилнинг 28 ноябрь (жума) куни ҳудудий экспорт прогнози ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг ижроси юзасидан муҳокама этилиши белгилаб қўйилди.

Кун тартибида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, вилоят Солиқ бошқармаси (Назаров)га бир ҳафта муддатда вилоятдаги 74 мингта ўзини-ўзи банд қилган фуқароларнинг даромад манбаи мавжуд ёки йўқлигини таҳлил қилиб, вилоят ҳокимига ахборот киритиши бўйича кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га Хатирчи тумани ҳокимлиги (Адизов) ва тегишли масъуллар билан бирга бир кун муддатда 5-босқичда Хатирчи тумани “Оқтепа” маҳалласидаги камбағал оилаларнинг муаммолари бўйича индивидуал режаларни тўғри ёки нотўғри тузилганлиги ҳолатига аниқлик киритиб, айбдорларга нисбатан чоралар кўрилишини таъминлаш ҳамда натижаси бўйича ахборот бериши;

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га Навбаҳор туманидаги “Қизилтепа” маҳалласи, Хатирчи туманидаги “Оқтепа” маҳалласи, Қизилтепа туманидаги “Ванғози” маҳалласи, Конимех туманидаги “Наврўз” маҳалласи ва Нурота туманидаги “Нурфаҳр” маҳалласидаги камбағал оилаларга кредит ажратиш ҳолатини таҳлил қилиб, вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига киритиши;

Кармана тумани ҳокими (Болтаев)га “Қизилқумцемент” АЖ масъул бўлган маҳаллалардаги камбағал оилалар бўйича ишларни ташкил қилинишини назоратга олиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот бериб бориши алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилишида Хатирчи, Қизилтепа ва Учқудуқ туманлари ҳокимларининг аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг йиллик ижроси бўйича ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, вилоят, туман (шаҳар) ташкилотлари раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда камбағал оилаларга бириктирилганлар томонидан “Камбағаллик реестри”даги фуқароларни мажбурий ёки сохта маълумотлар асосида реестрдан чиқаришлари қатъиян ман этилиши бўйича расман огоҳлантирилди.

Шунингдек, Нурота тумани ҳокими (Файзиев)га икки кун муддатда Нурота тумани “Дехибаланд” маҳалласини “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” талаблари асосида лойиҳаларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Йиғилиш кун тартибида, Ёшлар масалалари бўйича Республика комиссиясининг ўрганиш натижалари бўйича киритган маълумоти бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича Республика комиссиясига ахборот киритиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу билан бирга, “Навоий сув таъминоти” АЖ (Зарипов)га вилоятдаги 186 та автомобиль ювиш шохобчалари (автомойкалар) жойлашган маҳаллаларга бириктирилган ўз тизимидаги ходимлари фаолияти бўйича хизмат текшируви ўтказиб, натижасини вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратурасига тақдим этиши ҳамда вилоят Солиқ бошқармаси (Назаров)га ҳудудларда фаолият юритаётган автомобиль ювиш шохобчаларини (автомойкалар) ўрганиб, солиқ тушумлари туширилишини ва иш ўринлари легаллаштирилишини таъминлаш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Садинов) ҳамда Хатирчи тумани ҳокими (Адизов) Хатирчи туманида ғаллани дастлабки суғориш ишларини шу кунга қадар якунламаганлиги учун огоҳлантирилди ҳамда жорий йилнинг 1-декабрига қадар суғориш ишларини тўлиқ якунлаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш топшириғи берилди.

Бундан ташқари йиғилишда туман (шаҳар) ҳокимларига жорий йилнинг 5 декабрига қадар асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишларини якунига етказиш ва амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни (фотолавҳалари билан) кунлик вилоят Штабига киритиб бориши қайд этиб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Мирзаев, Ходжаев, Ҳикматов, Ғаффоров**), таркибий бўлинма раҳбарлари (**Фаромонов, Хамидов**) жорий йилнинг **1 декабрига қадар “edo.ijro.uz”** тизими орқали ижроси назоратга олинган Президент ҳужжатларидаги, Администрация раҳбарининг ва Ҳукуматнинг ноябрь ойидаги топшириқлари ижросини тўлиқ бажариб, электрон тизимдан назоратдан чиқарилишини таъминласин.

Акс ҳолда тегишли масъулларга ва котибият мудирларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиши бўйича **қаттиқ огоҳлантирилсин.**

Назорати **Ш.Намозовга.**

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) вилоят Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Азимов**) билан биргаликда **жорий йилнинг 30 ноябрига қадар** 45-сонли баённинг 8-банди бўйича Қизилтепа туманида қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган “порфирит” тошини қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги 100 гектар ер майдонини аукционга чиқариш учун “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” ДМга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш мақсадида вилоят ҳокими қарори лойиҳасини тайёрлаб киритсин.

Вилоят ҳоқимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) **беш кун муддатда** ушбу топшириқ ижроси таъминланмаса, тегишли масъулларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича тақдимнома киритилиши белгилаб қўйилсин.

3. Вилоят ҳоқимининг ўринбосари (**Ҳикматов**) Кармана тумани ҳоқими (**Болтаев**) билан биргаликда **жорий йилнинг 30 ноябрига қадар** 45-сонли баённинг 5-банди бўйича Кармана туманида “Тианченг Стоун” МЧЖ томонидан Зарафшон дарёси бўйидаги 100 гектар ер майдонида умумий қиймати 10 млн АҚШ доллари бўлган балиқчилик комплексини ташкил этиш учун, ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан Ҳукумат комиссиясига таклиф киритиш мақсадида ер майдонларини захирага қайтариш ҳамда ижарага бериш чораларини кўрсин.

4. Вилоят ҳоқимининг ўринбосари (**Ходжаев**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаюмов**), Навбаҳор тумани ҳоқими (**Рашидов**) **беш кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ-60-сонли қарори 4-илоvasи 6-банди бўйича Навбаҳор туманида “Конимех” канали бўйидаги 1,3 гектар ер майдонида ёшлар томонидан хизмат кўрсатиш, кўнгилочар ва дам олиш масканларини ташкил этиш мақсадида аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

Вилоят ҳоқимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) **беш кун муддатда** ушбу топшириқ ижроси таъминланмаса, вилоят ҳоқимининг ўринбосари Ж.Ходжаевга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритсин.

5. Қуйидагилар **бир кун муддатда** вилоят ҳоқимига ҳисоб-китобларга асосланган таклифларини вилоят ҳоқимига киритсин:

вилоят ҳоқимининг маслаҳатчиси (**Фармонов**), Навоий (**Эргашев**), Зарафшон (**Раҳманов**), Ғозғон (**Жўраев**) шаҳарлари, Томди (**Умаров**) ва Учқудуқ (**Елмуратов**) туманлари ҳоқимлари сунъий интеллект ва ақлли шаҳар бўйича Хоразм вилояти тажрибасини жорий қилиш;

Хатирчи (**Адизов**), Кармана (**Болтаев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**) ва Конимех (**Рўзиев**) туманлари ҳоқимлари ҳамда вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) томорқадан кўп маротаба ҳосил олиш ва “Томорқа мактаблари”ни ташкил қилиш бўйича Сурхондарё вилояти тажрибасини жорий қилиш.

Назорати **Э.Авезовга**.

6. Вилоят ҳоқимлигининг 2025 йил 11 ноябрдаги аппарат йиғилиши баёни (12.11.2025 й, 11-01/120-сон) топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳар (**Эргашев**), Хатирчи тумани (**Адизов**) ҳоқимлари

беш кун муддатда Давлат Раҳбарининг виртуал ва халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатларни қайта кўриб чиқиб, уларни ижобий ҳал этиш даражасини ошириш чораларини кўрсин.

7. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари билан биргаликда ПҚ-20-сонли қарор асосида ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишларини жонлантириб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилишида** ҳисобот берсин.

8. Жорий йилнинг 28 ноябрь (жума) куни ҳудудий экспорт прогнози ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг ижроси юзасидан муҳокама этилиши белгилаб қўйилсин.

Унда тегишли ҳокимларнинг экспорт фаолиятини тўхтатган ва пасайтирган корхоналар билан ишлаш ҳамда лойиҳалардаги муаммоларни ҳал этилиши юзасидан **ҳисоботлари эшитилади**.

9. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) **бир ҳафта муддатда** вилоятдаги 74 мингта ўзини-ўзи банд қилган фуқароларнинг даромад манбаи мавжуд ёки йўқлигини таҳлил қилиб, вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) тегишли масъуллар билан бирга **бир кун муддатда** 5-босқичда Хатирчи тумани “Оқтепа” маҳалласидаги камбағал оилаларнинг муаммолари бўйича индивидуал режаларни тўғри ёки нотўғри тузилганлиги ҳолатига аниқлик киритиб, айбдорларга нисбатан чоралар кўрилишини таъминласин ҳамда натижаси бўйича ахборот берсин.

11. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) Навбаҳор туманидаги “Қизилтепа” маҳалласи, Хатирчи туманидаги “Оқтепа” маҳалласи, Қизилтепа туманидаги “Ванғози” маҳалласи, Конимех туманидаги “Наврўз” маҳалласи ва Нурота туманидаги “Нурфаҳр” маҳалласидаги камбағал оилаларга кредит ажратиш ҳолатини таҳлил қилиб, вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига** киритсин.

12. Кармана тумани ҳокимлиги (**Болтаев**) “Қизилқумцемент” АЖ масъул бўлган маҳаллалардаги камбағал оилалар бўйича ишларни ташкил қилинишини назоратга олиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот бериб борсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

13. Вилоят ҳокимлигининг **кейинги аппарат йиғилишида** Хатирчи (**Адизов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**) ва Учқудуқ (**Елмуратов**) туманлари ҳокимларининг аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг йиллик ижроси бўйича ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилсин.

14. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, вилоят, туман (шаҳар) ташкилотлари раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда камбағал оилаларга бириктирилганлар томонидан “Камбағаллик реестри”даги фуқароларни мажбурий ёки сохта маълумотлар асосида реестрдан чиқаришлари **қатъиян ман этилади**.

15. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) ва тегишли масъуллар билан биргаликда **бир кун муддатда** Хатирчи туманидаги камбағал оилалар билан ишлаш тизими ва мутасаддиларнинг бириктирилишини қайта кўриб чиқиб, ишларни самарали ташкил қилсин.

16. Навоий шаҳар (**Эргашев**), Хатирчи (**Адизов**), Конимех (**Рўзиев**), Томди (**Умаров**) ва Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимларига “Иш беринг” телеграм гуруҳи орқали йўлланган мурожаатлар ижроси бўйича етарли даражада ишлар ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин ҳамда **беш кун муддатда** мурожаатчилар билан шахсан учрашиб, уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

17. Нурота тумани ҳокими (**Файзиев**) **икки кун муддатда** Нурота тумани “Деҳибаланд” маҳалласини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-298-сон қарори бўйича **“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”** талаблари асосида лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда вилоят ҳокимининг ҳудудга ташрифи давомида тегишли масъулларнинг ҳисоботлари эшитилиши таъминлансин.

18. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

жорий йилнинг 15 декабрига қадар аҳоли ва тадбиркорларнинг таклифлари ва лойиҳалари асосида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” маркази учун мастер режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

2026 йил 1 февралга қадар дастурга киритилган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

2026 йил 1 мартдан бошлаб тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ қурилиш ишларини бошлаш;

2026 йил 1 декабрга қадар дастурга киритилган объектларни ишга туширилишига шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

19. Ёшлар масалалари бўйича Республика комиссиясининг ўрганиш натижалари бўйича киритган маълумоти бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида:

а) Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (**Турдиев**) билан биргаликда **беш кун муддатда** “Фаровон” маҳалласига замонавий маҳалла биносини қуриш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб киритсин;

б) Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси (**Мамадиярова**), вилоят Ёшлар ишлари бошқармаси (**Қаюмов**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**), вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**):

“Рақамли маҳалла” платформасида “еттилик” аъзоларини ишга келиши ва ишдан кетиши тўғрисидаги давоматни қаттиқ назоратга олсин;

“Маҳалла еттилиги”га масъул бўлган вилоят бошқармалари **бир ҳафта муддатда** мавжуд вақант ўринларни тўлдириш чорасини кўрсин;

“Рақамли маҳалла” платформасидаги **электрон табель** тизими тўлиқ ишлатилишини таъминласин;

в) вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**):

вилоятда ёшлар жиноятчилигини жиловлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш ва сабабларини чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирлар кўриб борсин;

туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **“Навоий шаҳар намунаси”** асосида жиноятчиликни олдини олиш юзасидан **уч кун муддатда** “Йўл хариталари” ишлаб чиқсин;

г) вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мамадиярова**) оилавий ажримлар қайд этилган маҳаллалар билан алоҳида ишларни олиб борилишини таъминласин.

д) Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**) кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиб, кўрилган чоралар натижадорлиги юзасидан маълумотларни белгиланган муддатларда Республика комиссиясига киритилишини таъминласин.

20. “Навоий сув таъминоти” АЖ (**Зарипов**) **беш кун муддатда** вилоятдаги 186 та автомойкалар жойлашган маҳаллаларга бириктирилган ўз

тизимдаги ходимлари фаолияти бўйича хизмат текшируви ўтказиб, натижасини вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратурасига тақдим этсин.

21. Вилоят Солиқ бошқармаси (Назаров) беш кун муддатда ҳудудларда фаолият юритаётган автомобиль ювиш шохобчаларини (автомойка) ўрганиб, солиқ тушумлари туширилишини ва иш ўринлари легаллаштирилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

22. Қўйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Садинов):

Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) билан биргаликда Хатирчи туманида ғаллани дастлабки суғориш ишларини шу кунга қадар якунламаганлиги учун огоҳлантирилсин;

жорий йилнинг 1-декабрга қадар суғориш ишларини тўлиқ якунлаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритилишини таъминласин;

туман ҳокимлари билан биргаликда ариқ ва зовурларни бетонлаштириш ва тозалаш ишлари бўйича Сув хўжалиги вазирлигининг эътирозларидан кескин хулосалар чиқариб, ишларни тизимли ташкил қилиш чораларини кўрсин.

Назорати **С.Ҳамроевга**.

23. Қизилтепа (Бобомуродов), Навбаҳор (Рашидов), Хатирчи (Адизов) туманлари ҳокимлари **бир кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 5 ноябрдаги **“2025-2026-йиллар қиш-баҳор мавсумига аҳоли ижтимоий соҳа ташкилотлари учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғаришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 697-сонли қарори ижросини етарли даражада ташкил этмаганлиги ва ишда йўл қўйган камчиликлари учун тегишли масъулларга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораларини қўллаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборотини киритсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

24. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

жорий йилнинг 5 декабрга қадар асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишларини якунига етказиш;

амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни (фотолавҳалари билан) кунлик вилоят Штабига киритиб бориш чораларини кўрсин.

25. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов) асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш ишларини ўз назоратига олиб, доимий муҳокамалар қилиб борсин ҳамда кунлик маълумотларни вилоят ҳокимига киритилишини таъминласин.

26. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоят Божхона бошқармаси, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси, Миллий гвардия вилоят бошқармаси, Хатирчи (14,6 фоиз), Навбаҳор (19,4 фоиз), Нурота (22,4 фоиз) туманларида ҳамда халқаро М-37 йўл бўйида дарахт ва бута кўчатларини экиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

вилоят Божхона бошқармаси (**Дўстёров**), вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси (**Қобилов**), Миллий гвардия вилоят бошқармаси (**Тоиров**) ҳамда Хатирчи (**Адизов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** ишларни жадаллаштириб, дарахт ва бута кўчатларини экиш бўйича белгиланган режаларни тўлиқ бажариш чораларини кўрсин.

Кармана (**Болтаев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**) туманлари ҳокимлари халқаро М-37 йўл бўйига бириктирилган корхона (ташкилот) раҳбарлари билан биргаликда ер тайёрлаш ишларини якунига етказиб, дарахт кўчатларини экиш ишларини бошласин.

27. Вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси (Қобилов):

Навоий шаҳар (**Эргашев**), Кармана (**Болтаев**), Нурота (**Файзиев**), Конимех (**Рўзиев**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари билан ҳамкорликда **бир ҳафта муддатда** жорий йил учун белгиланган ҳарбий сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари томонидан пул бадаллари ундирилишини тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига кунлик маълумотларни киритиб борсин.

28. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев